

**БОЛАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ  
КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

*М.Н.Усманова - (ТДТрУ)*

*Х.Б.Бахтиёржонов - (ТДТрУ)*

*Т.У.Турғунбоев - (ТДТрУ)*

**Аннотация**

Мақолада йўл-транспорт ҳодисалари бўйича статистика маълумотлари келтирилган бўлиб, энг долзарб муаммо унинг иштирокчиси бўлган болаларнинг бахтсиз ҳодисаларини камайтириш бўйича дастур ишлаб чиқишга қаратилган

**Аннотация**


В статье представлена статистика дорожно-транспортных происшествий, наиболее актуальный вопрос которой направлен на разработку программы по снижению аварийности с участием детей.

**Abstract**

The article presents statistics on road traffic accidents, the most pressing issue of which is aimed at developing a program to reduce accidents involving children.

Сўнги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат даражасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилмоқда, аммо мазкур йўналишда кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини етарли даражада таъминлашга эришилди деб бўлмади. Сабаби ҳали ҳануз ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиб туриши, унинг оқибатида инсонларнинг халок бўлиши ёки турли даражада жароҳат олишлари, айниқса, йўл-транспорт ҳодисаларида ёш болаларнинг иштироки натижасида вояга етмаганларнинг ўлими ва соғлигига жиддий хавф солаётганлиги жуда ҳам ачинарлидир. Болаларга хавф солаётган бахтсиз ичида йўл-транспорт ҳодисалари 40 фоизни ташкил этади. Бу маълумот болаларни автомобиль йўлларида хавфсизлигини таъминлаш зарурати ўта долзарб эканлигини яна бир бор кўрсатиб турибди. Дастлаб, болаларни йўл-транспорт хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқишни тақоза қилади [1].

Болаларни йўл-транспорт хавфсизлигини таъминлаш Дастури доирасида тадбирларни амалга ошириш тажрибаси шуни кўрсатадики халқаро тажрибалар таҳлили йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Дастурининг бир нечта босқичини ажратади [3]:



1-расм. Болаларни йўл-транспорт хавфсизлигини таъминлаш Дастури босқичлари

Йўл ҳаракати хавфсизлигини такомиллаштириш Дастури босқичлари (1-расм) босқичларидан Дастур тузиш жараёнида биринчи босқичда-Статистика маълумотлар ва омиллар таҳлили Дастур натижасига энг кўп таъсир қиладиган босқичдир. Сабаби йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг натижавий кўрсаткичларидан бири- бу йўл-транспорт ҳодисалари ва унга олиб келадиган омиллар кўрсаткичидир. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқатдан содир этилган кўрсаткичлари таҳлили асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Агар дастурни амалга оширилгандан кейин йиғилган статистика маълумотлари дастур қўйилган мақсадга эришганлигини тасдиқласа, натижалар кейинги дастурлар учун фойдаланилади. Агар натижа ижобий бўлмаса, кейинчалик бундай хатога йўл қўймаслик учун нима сабабдан бажарилмаганлиги ўрганилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишларни Транспорт вазирлиги тизимидаги кўмита, агентлик, Йўл ҳаракати бош бошқармаси, ҳайдовчиларни тайёрловчи муассасалар, суғурта компаниялари фаолиятида ўрганиб чиқилган ва соҳа муаммолари ўрганилиб чиқилди ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича режалар ҳамда дастурлар шакллантирилади[2].

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўтган йил давомида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари статистик маълумотиغا кўра 2022 йилда юртимизда жами 9902 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 1фоизга камайган, 2022 йилда ушбу йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жами 2 356 киши ҳалок бўлган 2021 йилга нисбатан 2,9 фоизги камайган. 2022 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 9 230 йўл ҳаракати иштирокчилари жароҳат олган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 фоиз кўпроқни ташкил этади.

Ушбу содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми яъни 44,9 фоизи пиёдалар иштирокида содир бўлган. 2021 йил маълумотлари бўйича ҳодисаларни иштирокчиларини таҳлилқиладиган бўлсак, шулардан 4 698 таси пиёдалар, энг ачинарлиси 1 621 таси болалар, 1 075 таси велосипедчилар, 84 таси мотоциклчилар иштирокида содир бўлган. Бахтсиз ҳодисалар сабаблари бўйича таҳлил қуйидагича: объектив сабаблар орасида пиёдалар ўтиш жойи (1017 та) ва йўл ажратгичлари (1302 та) йўқлиги, яна 214 та ҳолатда светофор ва тегишли йўл белгилари ўрнатилмаганлиги етакчилик қилмоқда. Субъектив сабабларга кўра автоҳалокатлар кўпинча тезликни ошириш (1577 та ҳолат), ҳайдовчининг тажрибасизлиги (1046 та ҳолат), светофор ёки йўл белгиларига эътибор бермаслик (845 та ҳолат) туфайли содир бўлган. Яна 343 нафар ҳайдовчи рулда ухлаб қолиб, бахтсиз ҳодисаларга учраган[2].

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдалар иштирокида ҳафтанинг иш вамактаб кунлари, айнан болаларнинг ўқишга борадиган ёкиқайтадиган вақтига тўғри келади. Барчага маълумки иш кунинингўқишга ва ишга бориш вақтида шаҳар кўчаларида транспорт воситасининг ҳаракатланишида тирбандликлар юзага келмоқда. Бунга сабаб ҳамма ишга ва ўқишга ўз вақтида, кечикмасдан боришилинижада ҳаракат қилади бу табиий албатта, лекин юртимизда ота-оналарнинг аксарияти, фарзандларини мактабларга ёки бошқа таълим муассасаларига ўзлари кузатиб боради ва кейин ўз ишларига боришга одатланган. Бу жараённи шахсий транспорти бор фуқароларимиз ўзларининг транспорт воситасида, бўлмаганлар эса фарзандлари билан бирга жамоат транспортдан фойдаланган ҳолда амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар (болалар) иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- 8-15 ёшли болалар таълим олаётган мактаб,лицей каби таълим муассасарида Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дарс соатларини кўпайтириш;
- Президентимизнинг Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дарсларни ўтиш бўйича Жиззах тажрибасини оммалаштириш;
- Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дарсларнинг назарий ва амалий қисмларининг мутаносиблиги асосида ўқитишни ташкил этиш;
- Йўл ҳаракати қоидалари бўйича дарсларни имкони борича бўйича тайёргарликдан ўтган педагогларни жалб этиш;

▪-Оммавий ахборот воситаларининг болалар учун тайёрланган дастурларида Йўл ҳаракати қоидаларига бағишланган мавзуларни кўпроқ ёритиш.

▪-пиёдалар ўтиш жойларини тартибга солиш, ер ости ваер усти йўлларини куриш;-болаларни, ўқувчиларни таълим олишига шарт-шароитлар яратиш билан бирга мактаб автобусларини жорий этиш; -болаларни ташиш учун махсус тайёргарликдан ўтган ҳайдовчиларни жалб этиш;-мактабгача таълим ва мактаб болаларида, йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, уларни қоидалар бўйича назарий ва амалий кўникмаларини текшириб бориш юзасидан дастур ишлаб чиқиш;

йўлларда болаларнинг ҳаракатини кузатиш мезанизмини жорий этиш

Шу ва шу каби тадбирларнинг болалар ўртасида олиб борилиши уларнинг ЙТХ иштирокчиси бўлиш каби кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келишини илмий тадқиқот натижалари кўрсатиб туради.

#### **АДАБИЁТЛАР:/ REFERENCES:**

1. М.Н.Усманова *Haydovchilarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish.*Journal of new century innovations 15 (3), 148-153 2022
2. М.Н.Усманова, Б.А. Рахмат. Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни, *Journal of new century innovations* 15 (3), 144-147 2022
3. М.Н.Усманова.Йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси эксперт-автотехникнинг ўрни,*Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*, 654-656 2022
4. М.Н.Usmanova, В.А. Рахмат .Пути повышения безопасности дорожного движения в крупных городах,*Экономика и социум*, 991-994 2022
5. М.Н.Усманова.Йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси эксперт-автотехникнинг ўрни,*Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*, 654-656 2022
6. М.Н.Usmanova, В.А. Рахмат .Пути повышения безопасности дорожного движения в крупных городах,*Экономика и социум*, 991-994 2022
7. Shakirova, F. B. (2015). Razvitie ekonomiki Uzbekistana na osnove innovatsionnoi deyatelnosti. *Problemy sovremennoi ekonomiki*,(3 (55)), 299-302.
8. Shakirova, F. B. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИМКОНИАТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 86-96.

9. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ. *Scientific Impulse*, 1(2), 382-390.

10. Shakirova, F. B. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 68-81.

11. Mardievna, S. G., & Oblokulovich, K. S. (2021). Methodology for determining the role of family business in the economy. *European Business and Management*, 7(6), 199.

12. Mardievna, S. G., & Oblokulovich, K. S. (2021). Methodology for determining the role of family business in the economy. *European Business and Management*, 7(6), 199.

13. Shadieva, G. M., & Akbarovna, K. S. (2023). PROVIDING EMPLOYMENT BY IMPROVING THE EFFICIENCY OF FAMILY BUSINESSES. *Journal of new century innovations*, 20(3), 25-31.

14. Shodiyeva, G., Tog'ayeva, D. A., & Sultonov, B. A. (2022). KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI IQTISODIYOTDA TUTGAN O'RNINI. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 610-613.